



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 7 (12.568)

Баҳоси эркин нарҳда

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

Бугун Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилиш, Ватан ҳимоячиси деган номга муяссар бўлиш ҳар бир йигит учун нафақат конституциявий бурч, балки юксак шон-шараф ишига айланади. Истиқлол фарзандлари — билимли, мустақил фикрлайдиган, дунёқараш кенг, нигоҳлари тийрак энг сара ўғлонлар миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётгани ҳаётимиз осойишталиги, осмонимиз мусофоллиги ишончли қўлларда эканидан далолатдир.



Ёшқин Шамсиддинов (ЎЗА) олган сурат

НИЯТИНГ ЙЎЛДОШИНГ БЎЛСИН, АСКАР!

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2013 йил 12 декабрда қабул қилинган Ватан ҳимоячилари куни байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юксак савияда ўтказишга оид фармойишга биноан жойларда ҳарбийлар билан кўлаб учрашувлар ва бошқа маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Бу йил Ватан ҳимоячилари куни мамлакатимизда «Ўзбекистон — ягона Ватаним!» шiori остида нишонланмоқда. Пойтахтимиздаги ҳарбий қисмлардан бирида йигитлик бурчини ўтаётган аскарлар билан суҳбатлашганимизда миллий армиямиз ёшларнинг иродасини тоблайдиган, уларга катта билим ва тарбия берадиган ҳаёт мактабига айланганига ишонч ҳосил қилдик. Бу ерда ҳарбийларнинг жисмоний ва жанговар тайёргарлигини ошириш, сиёсий, маънавий-маърифий билимларини чуқурлаштириш учун барча шароит яратилган. Ҳарбий бўлишни болаликдан орзу қилардим, — дейди оддий аскар Ғолибжон Мўйидинов. — Ҳарбий хизматга келаётганимда бобом дуо қила туриб, йигитлик бурчинини сизидидилдан адо эт, юзимизни ёруғ қилиб қайт, дея насиҳат қилган. Бобомнинг, ақилларимнинг ишончини оқлаш — менинг фарзандлик бурчим. Ғолибжон Фарғона вилоятининг Қўштепа туманидан. Сафдошлари уни «полков», деб чақиради. Ростини ҳам шу — тоғни талқон қилгудек қувватли хайбати бор. Ун олти килолик тошларни бир қўлида 60-70 марта кўтариб ҳам чарчамайди. Ун ёшидан

юнон-рум кураши билан шуғулланади. Умумтаълим мактабини битириб, Фарғона шаҳар ҳуқуқшунослик коллежида тахсил олди. Она тили, адабиёт, математика, тарих, ҳуқуқшунослик фанларини пухта ўзлаштирди. — Хизмат чоғида гуруҳ командирларимиз жанговар, маънавий-маърифий тайёргарлик бўйича кўникмаларимизни ошириш билан бирга, Ватанимизнинг тинчлигини қадрига етиш, эл-юрт қорига камарбаста бўлишдек олижаноб фазилатларни ҳам сингдиришга алоҳида эътибор қаратмоқда, — дейди у. Наманганлик Камолиддин Абдуллаҳжаев — мустақиллик тенгдоши, Янгикўрган туманининг Мамай қишлоғидан. Тўрт акаси мустақиллик йилларида Ватанимизда аскарлик бурчини ўташга муяссар бўлган. Бугун унга уйдан хат келди. Отанаси Камолиддинни туғилган куни ва 14 январь — Ватан ҳимоячилари байрами билан табриклаб, ҳарбий хизматни ўтаб қайтган уйлантириб, катта тўй қилиш ниятида эканини ёзибди. — Отам ҳар сафар хатида ўз Ватанимизда ҳарбий хизматни ўташ насиб этганидан шукр қил, деб ёзади, — дейди оддий аскар К.Абдуллаҳжаев. — Отам собиқ тузум даврида тенгдошлари қатори совуқ ўлкаларда хизмат қилган, ўша пайтдаги машаққат қийинчиликларга, турли таҳрирлашларга гувоҳ бўлган. Бугунги аскарлар учун яратилган шароитларни кўриб, у ҳавас қилади. Камолиддин — кўзи ўткир, мерган йигит. Ҳарбий қисм командирининг

Байрам АЙТМУРОВОДОВ

АРМИЯ — КАМОЛОТ МАКТАБИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида Қуролли Кучларимиз сафларида конституциявий бурчини шараф билан ўтаб қайтган ёшларни ҳар томонлама қўлаб-қувватлаш, иш билан таъминлаш ва олий таълим муассасаларида ўқиши учун кенг имкониятлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай ғамхўрлик самарасида собиқ аскарлар жамиятимизда ўзининг муносиб ўрнини топаётир.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда Ватанимиз тинчлиги ва халқимиз осойишталигини таъминлашга қодир, ҳар томонлама ривожланган, тезкор ва ҳаракатчан, ташкилий жиҳатдан пухта, замонавий қурол-яроғ ва техникага эга миллий армиямиз шакллантирилди. Ҳарбий хизматга лаёқатли ёшларни белгиланган синнов ва танлов асосида саралаб олиш тизими йўлга қўйилгани, ушбу жараёнда чақирилувчиларнинг жисмоний тайёргарлиги, ҳарбий ихтисосликларини, замонавий ахборот-компьютер технологияла-

рини ўзлаштириш қобилияти, билими ва интеллектуал салоҳиятига алоҳида эътибор қаратилётгани армиямизнинг муҳофа қудратини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, ўз йигитлик бурчини ўтаб қайтаётган ёшларнинг иш билан таъминланиши ва олий таълим муассасаларида ўқиши учун қатор имтиёзлар яратилгани ҳам мард, жасур фарзандларимизга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг амалдаги ифодасидир.

(Давоми 2-бетда)

АДРИ ГОТЦ: «ЎЗБЕКИСТОНГА БОРАДИГАН ЕВРОПАЛИК САЙЁҲЛАРНИНГ СОНИ 2014 ЙИЛИ ЯНАДА ОШАДИ»

Бельгиянинг Лювен шаҳрида жойлашган «Vrabant Hall» кўргазмалар марказида ҳар йили уюштирилаётган анъанавий оммавий сайёҳлик ярмаркаси бўлиб ўтди. Етакчи туроператорларидан бири — «Hobo Reisen» сайёҳлик компанияси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда дунёнинг қирқдан зиёд мамлақати ўзининг сайёҳлик салоҳиятини намойиш этди.

Ушбу халқаро сайёҳлик анжуманида Ўзбекистон Республикаси бўлмаси мамлакатимизнинг Бельгиядаги дипломатия миссияси томонидан ташкил қилинди. Анъанавий миллий услубда безатилган юртимиз бўлмаси ярмарка қатнашчилари ва меҳмонларнинг эътиборини ўзига тортиб турди.

Республикамизнинг сайёҳлик салоҳияти, ўлкамиз тарихий-маданий обидаларини ўз ичига олувчи қизиқарли саёҳат йўналишлари тўғрисида француз ва инглиз тилларида ҳикоя қиладиган маълумотлар анжуман иштирокчилари ҳамда унинг меҳмонларида катта қизиқиш уйғотди. Шу ўринда пештахталаридан жой олган ўзбек халқ амалий санъати маҳсулотларига алоҳида эътибор қаратилганини қайд этиш жоиздир. Бенилюкс мамлакатларининг вакиллари томонидан 2014 йили ўлкамиз бўйлаб саёҳатга чиқиш юзасидан билдирилган муносабатлар мамлакатимизнинг мазкур кўргазмадаги иштироки натижаларидан бири бўлди.

«Hobo Reisen» компанияси президенти Адри Готц «Жаҳон» ахборот агентлиги муҳбири билан суҳбат чоғида қайд этганидек, европаликларнинг Ўзбекистонга нисбатан қизиқиши тобора ошиб бораётир. «Чунки Ўзбекистон нафақат бой тарихий меросга эга, балки улар дунё маданияти энг раванк тоғлан мамлакатларидан бири ҳисобланиши билан ҳам сайёҳларнинг диққатини ўзига тартади», деди у.

А.Готц ўзи раҳбарлик қиладиган компания томонидан 2013 йили бельгиялик сайёҳлар учун Ўзбекистон бўйлаб тўртта йирик саёҳат дастури ташкил этилганини билдирди. «Улар ватанларига қайтганларидан сўнг «Hobo Reisen» компаниясига ўзларининг самимий миннатдорликларини изҳор этишгани баробарида, Ўзбекистонда бебаҳо маданий-тарихий ёдгорликларни авайлаб-асрашга давлат томонидан катта эътибор қаратилётгани ҳамда юртингизда сайёҳларга кўрсатиладиган хизматларнинг юқори даражада эканлигини эътироф этишди», деди «Hobo Reisen» президенти.

Адри Готцнинг ишонч билан айтишича, туризм саноати жадал ривожланаётган Ўзбекистонга борадиган европалик сайёҳларнинг сони 2014 йили янада ошади.

Сайёҳлик индустрияси бўйича мутахассис Франс Де Скривер Ўзбекистонда бир неча маротаба бўлгани маълум қилар экан, мамлакатимиз бўйлаб саёҳатлари ўзида унутилмас хотиралар қолдирганини алоҳида таъкидлади.

— Буюк Ипақ йўлининг марваридлари — Самарқанд, Бухоро ва Хива сингари бебаҳо тарихий шаҳарларингиз нафақат ўзбек халқининг миллий бойлиги ва фахри, балки улар дунё маданияти ганжинасига қирадиган умумжаҳон тарихий меросининг муҳим бир қисми ҳамдир, — деди Франс Де Скривер.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Лювенда бўлиб ўтган мазкур сайёҳлик анжумани европаликларда Буюк Ипақ йўли халқлари тарихи, маданияти, урф-одат ва анъаналари билан танишишга нисбатан сўнмас қизиқишнинг мавжуд эканлигини намойиш этди. Бу кўнра йўлда жойлашган афсонавий Ўзбекистон эса, шубҳасиз, алоҳида ўрин тутди.

«Жаҳон» АА, Бельгия



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Термиз шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 22 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб «Ўзбекистон — ягона Ватаним» шiori остида аскар оналарини шарафлаймиз деб номланган тадбир ўтказилди.

• Ўзбекистон муҳофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Бухоро вилояти кенгашига қарашли Бухоро автомобиль мактабининг 75 нафар битирувчи курсанти шаҳардаги ҳарбий қисмда бўлди. Бўлғуси ҳайдовчилар бу ерда аскарлар ҳаёти, уларга яратилган шарт-шароит билан яқиндан танишди. Очик спорт мажмуасида курсантлар ва ҳарбий хизматчилар ўртасида арқон тортиш, турникка тортилиш, пневматик қуролдан ўқ отиш мусобақалари ўтказилди.

• Сирдарё вилояти Боёвут тумани муҳофаа ишлари бўлимининг биноси капитал реконструкция қилиниб, замонавий қиёфа касб этди. Таъмирлаш ва қурилиш ишларига 836 миллион сўм маблағ сарфланди.

• Киббо туманидаги «Safet Kard» масъулияти чекланган жамиятида локбўёқ маҳсулотлари учун минерал хом ашё — микрокальцит ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Айни пайтда бу ерда йилга 18 минг тоннагача шундай зарур хом ашё тайёрлаш имконияти юзага келди. Шу билан бирга, эллик кишининг иш билан доимий бандлиги таъминланди.

• Жиззах шаҳридаги «Каттабек Хақ» масъулияти чекланган жамияти йилга 300 тонна турли ўлчамдаги полимер қувурлар ишлаб чиқариш қувватига эга янги лойиҳани амалга оширди.

ЖАҲОНДА

• Ўтган йили дунё бўйича мусиқа дисклари савдоси 5,7 фоизга пасайди. Бу аввалги йилдагига нисбатан 1,34 миллион дона кам маҳсулот сотилганини кўрсатади. Шунингдек, мусиқий альбомлар савдоси ҳам аввалги йилдагидан 0,1 фоиз камайган. Бу жаҳон мусиқа саноатида сўнги беш йил ичида қайд этилган биринчи пасайиш ҳисобланади.

• Мамлакат пойтахтидаги Чиморе аҳоли яшаш пунктида амалга оширилган қошан гиёҳвандлик моддаси экинларини йўқ қилишга бағишланган операцияни Боливия давлати раҳбарининг ўзи бошқарди. Эво Моралеснинг айтишича, ушбу тадбир ҳукуматнинг гиёҳванд моддалар савдосига қарши курашиш бўйича дастурининг таркибий қисми ҳисобланади ва келгусида мамлакат маъмурлари Боливиянинг миллий боғлари ва ўрмонларида гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний ўстирилишига йўл қўйишмайди.

• Шимолий Американи қамраб олган қаҳратон совуқ тез орада чекиниб, ўрнига илиқ ҳаво оқими кириб келиши кутилмоқда. Таъкидлаш жоизки, ноқулай об-ҳаво шароити туфайли сўнги бир ҳафта мобайнида АҚШда 18 мингга яқин авиарейс бекор қилинди. Ҳисоб-китобларга кўра, бундан авиакомпаниялар таҳминан бир ярим миллиард доллар микдорида зарар кўрган.

ҚИСКА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпиталида

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан «Ватан ҳимояси — муқаддас бурч» деб номланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧА** Олмазор туманидаги 20-оилавий поликлиникада

«Сарҳадларимиз ва маънавиятимиз ҳимоячилари» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

✓ **ЭРТАГА** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида у-шу спорт мактабининг 8-13

ёшли ўсмирлари иштирокида «Соғлом бола йили»га бағишланган «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур» мавзуида спорт мусобақалари ташкил этилади.

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

Айни кунларда шаҳримиздаги ўқув муассасаларида Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган мусиқий кечалар, байрам тадбирлари мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

23-сон Болалар мусиқа ва санъат мактабида бўлиб ўтган концерт дастури «Мардлар қўриқлайди Ватанни» деб номланди. Концерт дастури орқали ўқув муассасасида тахсил олаётган ўқувчилар устозлари ёрдамида ўзларининг мусиқий чиқишларини намойиш қилдилар.

Чилонзор туманидаги 15-сон Болалар мусиқа ва санъат мактабида ҳам «Мен ҳам аскар бўламан» деб номланган адабий-мусиқий кеча уюштирилди.

МЕН ҲАМ АСКАР БЎЛАМАН

Тадбирда қашқар рубоби, афгон рубоби, дутор, чанг, доира ва гижжак, фортепиано, скрипка, гитара каби мусиқий асбобларида Ватанни тараннум этувчи жозибали куй ва қўшиқлар янгради.

Концерт дастурини тузишда Мансуржон Парпиев, Гулбахор Бобохонова бошчилигидаги рубобчилар ва дуторчилар ансамбллари яқиндан ёрдам берди.

1966 йилда ташкил этилган ўқув муассасасида бугунги кунда уч юзга яқин ўқувчилар тахсил олмоқдалар, — дейди 15-сон Болалар мусиқа ва санъат макта-

би директори Ҳамидулла Саъдуллаев. — Уларга 43 нафар малакали педагоглар сабоқ бермоқда. «Мен ҳам аскар бўламан» концерт дастурини Ватан ҳимоячилари кунига бағишладик. Зеро, ҳар бир ёш ўз Ватанига содиқ фарзанд бўлиб камолга етиши, уни кўз қорачигидек асраши учун аввало она юртини севиши, унга эҳтиром ва ҳурмат туйғуси билан қарамоғи шарт. Куй-қўшиқлар эса болажонларимиз қалбидан ана шундай эзгу ҳис-туйғуларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Тадбир сўнггида ўқувчилар томонидан саҳналаштирилган «Мен Ватан аскарим» мавзусидаги саҳна кўринишлари барчага манзур бўлди.

Гулчехра ДУРДИЕВА



АРМИЯ — КАМОЛОТ МАКТАБИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 31 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида мuddатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизimini такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори бу борада муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Мазкур қарорга мувофиқ мuddатли ҳарбий хизматни ўтаган ва ҳарбий қисм қўмондонлигининг тавсияномасини олган ёшлар мамлакатимиз олий ўқув юртига ўқишга киришда тест синовлари давомида тўплаш мумкин бўлган энг юқори баллининг 27 фоизи миқдориди имтиёзли баллга эга бўлмоқда. Бундай юксак имтиёз ва рағбат ёшларимизда Ватанни кўз қорачигидек асраш, унинг равнақи йўлида сидқиқилдан хизмат қилиш туйғусини янада кучайтирмоқда.

Айни пайтда Тошкент давлат иқтисодий университетига ана шундай имтиёздан фойдаланган, яъни ҳарбий қисм қўмондонлиги тавсияномаси

ёрдамида ўқишга кирган 77 нафар талаба тахсил олмақда. Самарқандлик ўқувчилар Тожиев ҳам улардан бири.

— 2013 йилда мuddатли ҳарбий хизматни намунали ўтаб, тавсиянома билан иқтисодий факультетига грант асосида ўқишга қабул қилиндим, — дейди ў.Тожиев. — Ҳарбий хизмат мен учун жисмоний ва маънавий чиқиш мактаби бўлди. Эндиликда ҳарбий хизмат давомида эгаллаган кўникмаларим асосида билим ва мутахассислик сирларини кунт билан эгаллашга, танлаган соҳам бўйича етук мутахассис бўлишга астойдил ҳаракат қиламан.

— Миллий армиямиз сафларида ҳар томонлама чиқишга эришган ёшлар яхши ўқиш билан бирга, жомат ишларида ҳам фаол, — дейди университетнинг банк иши факультети декани Ойбек Ортиқов. — Улар турли маънавий-маърифий тадбирлар, ижтимоий лойиҳаларни ўтказишда бошқаларга ибрат бўлмоқда.

Барно МЕЛИКУЛОВА, ўзА муҳбири

ВАТАН ОЛДИДАГИ БУРЧ ҲАММА НАРСАДАН УСТУН

Дунёда шарафли вазифалар жуда кўп, аммо улар ичида Ватанни ҳимоя қилиш энг шарафлисидир. Негаки, Ватан — бу инсонга ато этилган энг қутлуғ неъмат, аждодларимиз уйғоқ руҳи кезиб юрган табаррук гўша, уларнинг нафаси уфуриб турган муқаддас туپроқдир.

Ана шундай касб эгаси эканимдан — миллий армиямиз сафида хизмат қилаётганимдан гурурланаман.

Мен учун халқ осойишталиги, юрт тинчлиги, оилам, ватандошларимнинг хавфсизлиги йўлида бедор ўтказган тунларнинг, сарҳадларимиз дахлсизлигига бахшида кунларнинг сурури бўлакча. Бусиз ҳаётимни тасаввур ҳам қилмайман. Шундан англаймани, ҳарбийлик умримнинг мазмунига айланган.

Оилада тўрт фарзанд — икки ўғил ва икки қиз вояга етдик. Болаларим Абдумалик акам иккимиз маҳалламиздаги аскар йигитлар берган юлдузчаларни йиғардик ва ҳарбий бўлишни, юрт ҳимоячиси деган

шарафга эришишни орзу қилардик. Йиллар ўтиб улгайдик. Акам Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртига ўқишга кирди. Бугун у — майор. Орзуларининг ушалиши, ҳаётда ўз ўрнини топишда ўқиш давомида олган билимларининг ёрдами катта бўлганини у қайта-қайта таъкидлайди.

Мактабни тугатган, мен ҳам акамнинг изидан бориб, Ватан олдидаги бурчимни ўташга қарор қилдим. Бунинг учун шу касбга бўлган меҳрим, ҳавасим мени мақсадим сари дадил одимлашга ундади. Сай-ҳаракатларим зое кетмади. Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус факультети курсанти бўлиш насиб этди.

Ўқиш давомида ҳарбий хизмат кишини маънан ва жисмонан тоблайдиган мардлик ва матонат мактаби эканига тўғроқ бўлдим. Мен оилада кенжа — бир оз эрка фарзанд бўлганим учун ҳарбийча ҳаёт тарзига бошида унча кўника олмадим. Лекин бу ердаги қатъий қоида ва тартиблар ўзгартиришга сабаб бўлди.

Шуни айта оламаники, армия менга ота-она, яқинларим ва юрт қадрини, тинчлик деб аталмиш буюк неъматнинг нечоғлик азиз эканигини аниқлади. Бу эса мени осойишта кунларимизнинг қадрига етишга ўргатди. Ватан ҳимоячиларига кўрсатилаётган эътибор ва гамхўрликини юракдан ҳис қилдим.

Мана, етти йилдики, Мудофаа қўшинлари таркибиди ҳаво ҳужуми бўйича тезкор навабатчиликни олиб боровчи сифатида хизмат қилиб келмоқдаман. Ўтган йиллар мобайнида «Жанговар тайёргарлик аълочилиси», «Ҳарбий спортчи» кўкрак нишонларига сазовор бўлдим. Ҳозирда мутахассислигим бўйича етук ҳарбий хизматчиларнинг тажрибалари билан ўртоқлашишга, соҳа сирларини янада пухта эгаллашга ҳаракат қилаялман.

Фахриддин АБДУРАЗЗОКОВ, капитан (Туркистон-пресс)

Invest Finance Bank logo and name.

«Invest Finance Bank» хусусий очиқ акциядорлик тижорат банки ўз фаолиятини 2008 йилнинг 22 ноябридан бошлаб, асосий эътиборни кенг кўламли банк хизматларини йирик корпоратив миқозларга, кичик бизнес субъектларига ва аҳолига универсал банк сифатида кўрсатишга қаратиб келмоқда.

«INVEST FINANCE BANK» ХОАТ БАНКИНИНГ КРЕДИТЛАРИ ОРҚАЛИ ҚЎШИМЧА ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИЛМОҚДА

«Invest Finance Bank» мамлакатимиз иқтисодийнинг реал секторини қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор йирик ва ижтимоий характерга эга бўлган лойиҳаларнинг амалга оширилишида кредит ажратилиши йўли билан иштирок этган. Бундан ташқари банк кичик бизнес субъектларининг фаолиятини ривожлантиришга ҳам катта аҳамият қаратади.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, «InfinBank» ХОАТБ томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, аёл тадбиркорларни ва ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга доир Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарор ва Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда Марказий банкнинг мезърий ҳужжатларини ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Банк томонидан 2013 йил январа буйича ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, транспорт, савдо-сотик, сервис, хизмат кўрсатиш ва бошқа тармоқ

субъектларига жами 145,7 млрд. сўм миқдориди кредитлар ажратилган бўлиб, шунинг 72 фоизи кичик бизнес субъектларига тўғри келади.

Айниқса, банк кредитларидан фойдаланган кўпчилик ёшлар келажакда ўз фаолиятларини мустақам йўлга қўйиб олишга муваффақ бўлганлари эътиборга лойиқдир.

— Мен Муҳаммаджон Турғунов 2013 йил Тошкентдаги 2-юрдик коллежини битирдим. Ҳукуматимиз томонидан биз ёшларга, жумладан, коллеж битирувчиларига алоҳида эътибор берилганлиги, хусусан ёш тадбиркорларга ҳар томонлама кўмак бериб борилаётганлигини оммавий ахборот воситалари орқали ҳамда Марказий банк томонидан ўтказилган турли семинарларда қатнашган ҳолда хабардор эдим.

Мен ҳам бу имкониятдан фойдаланиб, 2013 йил апрель ойида «KELAJAK OMAD YOG'DUSI» МЧЖни ташкил этиш мақсадида хизмат кўрсатиш ва сервисни йўлга қўйиб буйича бизнес-ре-

жамни ХОАТБ «InfinBANK»нинг Зангиота филиалига тақдим этдим. Бизнес-режа маъқулланган, олинган кредит маблағи хисобига Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Ўртаовул кўрғони ҳудудиди хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлантириш мақсадида маиший хизмат кўрсатиш ва савдо комплекси харид қилинди ва фаолият йўлга қўйилди.

Ҳозирда Зангиота тумани ҳудудиди 115 та хонадонга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги Қарори асосида қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича қурилган яқка тартибдаги уй-жойлар аҳолисига хизмат кўрсатиб келмоқдамиз. Ушбу лойиҳамнинг муҳим жиҳати шундаки, у ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган дастур доирасида қишлоқ жойларда иш ўринларини яратиш ва аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш имконини берди.

Ҳозирда ўз корхонамда Зангиота туманида истиқомат қилувчи ва юқори

да қайд этилган касб-хунар коллежи битирувчилари бўлган ўн тўрт нафар ўз тенгдошларимни иш билан таъминлашга эришдим.

— 2012 йилдан бошлаб тадбиркорлик билан шуғулланаман, — дейди банкнинг яна бир мижози Машқара Раззақова. — Юртимизда аёл тадбиркорларга яратилаётган имкониятлардан фойдаланиб мен ҳам ХОАТБ «InfinBANK»нинг Зангиота филиалидан кредит олдим ва ўзимизда ишлаб чиқарилган чинни буюмлар ва сирланган идишларнинг савдосини йўлга қўйдим. Бунинг натижасида оиламнинг турмуш фаровонлиги ошди ва келажакда тадбиркорликни кенгайтириш мақсадида оила аъзоларимни ҳам унга жалб қилиш режалаштирилмоқда. Ушбу режалар амалга ошган, қишлоқ жойларда қўшимча иш ўринлари яратилди.

Мазкур банкнинг мижозларга хизмат кўрсатиш маданияти менга ҳис қилганлиги учун ўғлим ҳам шу банкнинг доимий мижозига айланди ва сопол идиш ва стол лампаларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Банкнинг самарали фаолияти орқали ўз ишлаб чиқариш нукталарини ташкил этган кўплаб ҳамшаҳарларимизнинг юқоридаги каби дил сўзларини келтиришимиз мумкин.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

КУН ТАРТИБИДА МУҚОБИЛ ЭНЕРГЕТИКА

Сўнгги пайтда муқобил энергетика деган ибора кўп тилга олинмоқда. Ҳўш, бу сўзлар ўзи нимани аниқлатади? Мазкур тушунча бугун ёки кеча юзга келгани йўқ. Агар тарихга мурожаат этсак, бир пайтлар, яъни нефть, газ ёки кўмир бўлмаганда, инсонлар қўшининг қувватидан кўп масалаларда фойдаланганлар.

Кейинчалик эса вазият ўзгариб, одамлар ўша пайтда арзон ҳисобланган ва аънанавийга айланган ёқилги турларидан фойдалана бошладилар. Аммо XX аср бошларига келиб, қайта тикланувчи энергия манбалари кун тартибидан жой олди. Чунки инсоният ер ости қазилма бойлиқларининг ҳам адоқсиз эмаслигини ҳис эта бошди. Боз устига, аънанавий ёқилги турларини ишлатганда ҳосил бўладиган захарли газлар экологияга етказётган зарар миқдори мислсиз тус олди.

Ҳақиқатан ҳам бугунги кунда табиат ўн минг йил мобайнида ўз бағрида вужудга келтирилган қазилма бойлиқлар бир йил мобайнида сарфланиб тугатилмоқда. Иқтисодиёт тараққиёт этгани сари энергия истеъмоли дунёда ҳар йили ўрта ҳисобда 12 фоиз ошиб бораётганига нима дейсиз? Мутахассисларнинг ҳисоб-китоблари эса ер юзидида нефть захиралари 45-50, табиий газ 70-75, кўмир 165-170 йилгагина етиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Бу, ҳар бир кишини ўйлантириб қўйиши турган гап. Чунки бу ёқилги турларининг ўрнини босадиган воситаларни ўйлаб топиш ва ишга солиш керак. Лекин тушунлиққа тушишга асло асос йўқ. Чунки ҳали табиатнинг биз фойдаланмаётган имкониятлари шу қадар кўпки оқилона иш тутилса, башарият миллионлаб йил ҳеч қандай муаммага дуч келмасдан яшаши мумкин.

Эндиликда жаҳондаги бир қатор мамлакатларда муқобил энергетика манбаларини ривожлантириш бўйича изчил иш олиб боришмоқда. Улар орасида Германия, Япония, Хитой, Испания ва АКШни мисол келтириш мумкин. Масалан, айни пайтда Германияда истеъмол қилинаётган энергиянинг 20 фоизини муқобил манбалар ҳисобидан ҳосил қилинади. 2050 йилга бориб эса бу кўрсаткичи 50 фоизга етказиш режалаштирилган. Швейцарияда эса бундан ҳам кўп — 60 фоизлик натижа кўзланмоқда. Немислар ҳар йили юз мингта уйнинг томига қўш панеллари ўрнатаётганликлари ҳам диққатга сазовордир.

Кейинги йилларда жаҳон бозориди углеводород ёқилгиси нархининг ҳескин ортиб кетиши ҳам кўпгина мамлакатларда янги муқобил энергия манбаларини топиш ва ишга солиш ҳақида ўйлашга мажбур этмоқда. Европа давлатларида ўрнатилган қўш фотоэлектрик станцияларнинг умумий қуввати мунтазам ошиб бормоқда. Яқин Шарқ мамлакатларида фотоэлектрик станцияларни ишлаб чиқариш аниқ кўпайган. Бугунги кунда АКШда қўш коллекторларининг умумий майдониди 15 млн. квадрат метрга, Японияда 12 млн. квадрат метрга етди. Исроилда мамлакат умумий иссиқ сув таъминотининг 75 фоизини ташкил этадиган 1 миллионга яқин қўш қурилмалари ишлаб турибди. Шамол энергетикаси ҳам тез суръатларда ривожланмоқда. Европа Иттифоқи давлатлари бу соҳада пешқадамдир. Шамол энергетикасидан фойдаланишнинг йиллик ўсиш даражаси кўна китъада 33-34 фоизини ташкил этмоқда.

Эътиборга молик жиҳатлардан яна бири шуки, қўш энергиясининг «хизмат доираси» фақат электр энергетикаси ҳисоб қилиш билан чекланмади. Унинг ёрдамида сув иситиш, меза қуриш, денгиз сувини «чўқулаштириш», ҳатто овқат пишириш ва нон ёпиш мумкин. Масалан, Хиндистон ва Хитойда ҳозир икки миллиондан ашё қўш ўқитки бор. Денгиз ва океанлар соҳилларида жойлашган ёки тоғли ҳудудларга эга мамлакатларда эса шамол қуввати кўмағида электр энергияси олиш миқёслари кенгайиб бораётди.

Кислородсиз бактериялар ёрдамида турли чиқиндиларни қайта ишлаш орқали олинмаган биогаз ҳам юқори самарали энергетика манбаларидан саналади. Хисоб-китобларга қараганда, бир тонна симили биогаз қурилмаси битта оилани ярим йил газ билан таъминлай оларкан. Чоьва жайвонлари, паррандалар, ўсимликлар чиқитилган қайта ишлаш натижасида ҳосил бўладиган табиий ўғитлар эса деҳқончиликни ривожлантиришда муҳим оқил ҳисобланади. Шунинг учун Хитой, Хиндистон, Вьетнам, Марказий ва Жанубий Америка мамлакатларида биогаздан кенг фойдаланилмоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда ҳам бу масалаларга жиддий эътибор берилмоқда. Чунки мамлакатимиз муқобил энергетика соҳасида улкан салоҳиятга эга. Айниқса, қўш қувватидан фойдаланишда иқлим жуда қўл келади. Йилнинг қариб 270 кунда қўш қарақлаб туриши бу борада улкан захирага эга эканидан далолатдир. Унинг техник салоҳияти барча энергия манбаларидан жорий истеъмол учун олинмаган энергия ҳажмидан уч марта кўйдир.

Ушбу нуктаи назардан қараганда, Президентимиз Ислоом Каримовнинг 2013 йил 1 мартда қабул қилинган «Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда «Халқаро қўш энергияси институтини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори муҳим аҳамият касб этади. Ушбу мезърий-ҳужукий ҳужжатлар энергияни истеъмол қилиш соҳасидаги қатор муаммоларни ҳал қилишга, шунингдек, ноъанавий энергетика ресурсларидан, жумладан, қўш энергиясидан фойдаланиш борасида янги имкониятларни очади. Бу борада ҳозир кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда.

Яқинда Тошкентда ўтказилган Осие қўш энергияси форумининг олтинчи йилгишида ҳам қўш энергияси технологияларини ривожлантириш тенденциялари ва истиқболлари, қўш энергетикаси учун ускуналар ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш санаятини ривожлантириш, ана шу ускуналар бозорини кенгайтириш каби масалаларнинг ҳар томонлама муҳокاما қилинганлиги ҳаммада катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, Президент Ислоом Каримовнинг ушбу йилгишидаги нутқини мамлакатимизнинг барча аҳолиси диққат билан ўрганмоқда. Чунки қайта тикланмаган муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш бугунги кунда кўпчиликнинг эътибориди турган масала ҳисобланади.

Бу мавзу тилга олинганда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ҳам мазкур йўналишда қатор тадбирларни амалга ошираётганлигини қайт этиш лозим. Хусусан, қўш, шамол, биогаз каби муқобил энергия манбаларини тарғиб қилишга қаратилган лойиҳалар, шубҳасиз, партиянинг инновацион энергетикани янада ривожлантиришга қаратилган фаолиятида катта аҳамият касб этмоқда. Партия фаоллари ташаббус билан биринчи бор ўтказилган «Муқобил энергиянинг энг фаол тарғиботи» кўрик-танловини ҳам шундай тадбирлар сирасига қиритиш мумкин.

Бир неча кун аввал Тошкентда Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши томонидан «Ўзбекэнерго» ДАК билан узаро ҳамкорлик келишуви асосида ўтказилган ушбу кўрик-танловининг республика босқичи яқундан. Низомга кўра, унда партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари, ушбу танловнинг I-II босқичларида голий деб топиладиган корхона, ташкилот ва муассасалар, бошланғич партия ташкилотлари, туман ва шаҳар партия кенгашлари иштирок этидлар.

Энергия тежамкорлигини ошириш, экологик тоза, ноъанавий ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш кўламини янада кенгайтириш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. «Адолат» СДП биринчи раундда каторида бу соҳадаги ишхотларни қўллаб-қувватловчи катта куч сифатида майдонга чиқди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кўнунчилик палатасидаги «Адолат» СДП фракцияси депутатлари томонидан «Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Кўнун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, жоматчилик ҳўжмига ҳавола этилганлиги иши ҳам таъкидлаш лозим.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ, «Туркистон-пресс»

Алишер Навоий номидаги Миллий бoғ кўрғазмалар залида Ўзбекистон Республикаси халқ устаслари, хунармандлари, мусаввирлари «Хунарсанд» уюшмаси, Маданият ва санъат кўрғазмаси ҳамда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳамкорлигида «Мустақил юрт хунармандлари» анъанавий миллий хунармандчилик ва амалий санъати маҳсулотлари кўрғазмасидоси ташкил этилди.

Кўрғазма-савдода хунармандчилик йўналишида фаолият кўрсатиб келаётган, меҳнатлари ва маҳсулотлари юқори эътирофга лойиқ, ўз буюмлари билан Ватанимиз ва хорижда бўлиб ўтган қатор кўрғазмаларда иштирок этган тадбиркор ёшлар ўз иход намуналарини намойиш этишди. Кўрғазмага қўйилган турли-туман хунармандчилик санъати намуналарининг юксак маънавият, дид ва ҳавас билан яратилганлиги, улардаги аж-додларимиз анъаналарига садоқат, теран ва нафис ифода услуби тадбир меҳмонлари ва томошабинларда катта қизиқиш уйғотди.

Ёш хунармандлар томонидан яратилган каштачилик, зардўзлик, ёғоч ўймакорлиги, мисгарлик, заргарлик, пичоқчилик, тикувчилик, қулоччилик, бадий ва амалий санъат асарларининг турли-туман кўринишдаги намуналари тадбир қатнашчиларида чукур таассурот қолдирди.

Дарҳақиқат, халқимизда «Хунарли хор бўлмас», «Бир йигитта етмиш хунар ҳам кам»,

Кўрғазмалар

МУСТАҚИЛ ЮРТ ХУНАРМАНДЛАРИ

«Хунар, хунардан унар» каби кўплаб ҳикматли мақол ва иборалар бор. Ёшларга яратилаётган шароитлар, берилаётган имтиёзлар мамлакатимизда миллий хунармандчилик турларини қайта тиклаш, ривожлантириш билан бирга ёш истеъдодли усталарнинг ҳали очилмаган қирра ва яширин имкониятларини рўйбга чиқаришда айниқса муҳим аҳамият касб этади.

— Президентимизнинг 2010 йил 30 мартдаги «Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни

янада кўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони ва шу фармонга биноан қабул қилинган Низомга кўра, хунармандларга қатор имтиёзлар, имкониятлар берилди, — дейди Олмазор туманидаги қулоччилик оилавий корхонаси вакили Ислон Юсупов. — Натижада хунар эгалари турли солиқлар ва тўловлардан озод этилди. Мисол учун, 2010 йилнинг 1 апрелидан бошлаб хунармандлар ўзи ясаган буюмларини республикадан ташқарига чиқариб сотиш ва халқро кўрғазмаларда

иштирок этишида уларнинг маҳсулотлари учун олинадиган бож ҳақи бекор қилинди. Бу давлатимиз томонидан хунармандларга яратилаётган имтиёз, имконият ва гамхўрлик намунаси. Эътиборли томони шундаки, бу имкониятлардан руҳланган бугунги хунармандлар эртанги кунга умид ва ишонч билан меҳнат қилишмоқда. Ёшларда меҳнатга ижобий муносабат шаклланимоқда. Улар иқтисодий-молиявий мустақилликка эришиш, вақт ва маблағни иқтисод қилиб, яхши фойда олиш учун ҳаракат қилишмоқда. Бундан ташқари, яна унумли ва самарали ишлаб, ўз оиласи бюджетига ҳисса қўшаётганидан хурсандлар.

Хунармандчилик шарқ халқларининг азалий қадриятлардан бўлиб, асрлар давомида халқлар ўз маънавияти, ўй-хаёллари, орзу-истакларини санъат намуналарида ифодалаб, авлоддан-авлодга етказиб келишган. Бу йўналишни янада ривожлантириш ўзига хос миллий анъаналарини давом эттириш, ажодлар ва авлодлар ўртасидаги кўприкни бекаму-кўст сақлаш, ёшлар онгига одоб-ахлоқ, миллий руҳ ва миллий маданият мезонларини сингдириш, ўз касбига меҳр-муҳаббат туйғусини тарбиялашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Манзура БЕКЧОНОВА



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Хаёт — очик китоб: ҳамма гап уни ўқий билишда.

Ожиз кўнгилни етти дарёда ювса ҳам оқармайди.

Яхши феъл — дўст, ёмон феъл — душман.

Тақдир аслида қилмишларимиз ниҳояси.

Муттаҳамни ўз усулида жазолаш керак.

Умид учун ҳам асос керак.

Ҳаётни бошдан бошлаб бўлмайд.

Тақдир ҳақлигини исбот қилади.

Оила биноси ўзаро ишонч асосига қурилади.

Бахт қайтса ҳам, вақт қайтмайди.

Нафс тутуни кўнгил кўзгусини хиралаштиради.

Яшаш завқи кишини яшартиради.

Аслида ҳаётда яхшилик кўп, баъзилар унинг фақат ёмон томонини кўради.

Дунё — дарё, ҳаёт — унинг тўлкини.

Вақт даволамаган дард йўқ.

(Давоми бор) Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

ҲАЁТ ВА ЖАСОРАТ МАКТАБИ

Ўзбекистон ҳарбий спортчилари 2013 йилги спорт мавсумида 961 медални қўлга киритди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий спорт клуби аъзолари ҳақида гап кетганда, ҳам спортчи, ҳам ҳарбий сифатида ўзининг шарафли касбидан ҳурмат-эътибор топган ёшлар назарда тутилади. Дарҳақиқат, халқро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишни ўзининг асосий мақсади деб билган ва бу йўлда тинимсиз меҳнат қилиб, жисмонан ва руҳан тобланган ҳарбий спортчиларимизнинг нуфузли мусобақалардаги ютуқлари барчамизга фахр-ифтихор бағишлайди.

— Хар сафар нуфузли мусобақаларда давлатимиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янграганида, Ўзбекистон фарзанди эканимдан дилми-декисиз фахр туяман, — дейди ўша мухбирларига оғир атлетика бўйича жаҳон чемпионати совриндори, Ўзбекистонда ҳизмат кўрсатган спортчи Улуғбек Алимов. Ватанимиз шарафини ҳимоя қилиш, давлатимиз байроғини доимо баланд тутиш бизнинг ҳам спортчи, ҳам Ватан ҳимоячиси сифатидаги муқаддас бурчимиздир. Бу туйғу бизга улкан ғайрат-шижоат бағишлайди, янгидан-янги галабалар сари руҳлантиради.

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз мудофаа тизимида амалга оширилаётган изчил ишловлар самарасида миллий армиямиз сафларига ҳар томонлама соғлом, чукур билимга эга йигитлар саралаб олинмоқда. Бу жараёнда Марказий ҳарбий спорт клуби юксак салоҳиятли ва истеъдодли ҳарбий спортчиларни тарбиялайдиган ҳаёт ва жасорат мактаби вази-фасини ўтамоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 1993 йил 19 мартда қабул қилинган фармонида мувофиқ ташкил этилган мазкур ҳарбий спорт клуби Куролли Кўчаларимиз сафини жисмоний ва маънавий соғлом ёшлар билан тўлдирди, ҳарбийларимизни спортга кенг жалб этиш, мамлакатимиз олимпиячи захираларига маҳоратли спортчилар ва малакали мураббийлар этиштириб беришга муносиб ҳисса қўшаётди.

Бугунги кунда мазкур клубда 600 нафардан зиёд йигит-қиз спортнинг дзюдо, бокс, кураш, эркин ва йонурум кураши, енгил ва оғир атлетика, тазвондо WTF, теннис, байдарка ва кануоанда эшак эшиш, трамплин, сув полоси, баскетбол, ўқ отиш, армрестлинг, кўл жанги, универсал жанг бўйича тажриба ва маҳоратини оширмоқда. Улардан олти нафари Ўзбекистонда ҳизмат кўрсатган спортчи фаҳрий унвони соҳиб, 43 нафари халқро тоифадаги спорт устаси, 158 нафари аса спорт устаси мезълари бажарган.

Марказий ҳарбий спорт клубида аввало спортчиларнинг ҳарбий тартиб-интизоми, маънавий-руҳий тайёргарлиги, мамлакатимиз мустақиллиги ва ҳавфсизлигини мустаҳкамлашдаги фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилади. Бу уларни иродали, матонатли, мард ва жасур, ҳар қандай вазиятда Ватан ҳимоясига қодир, юқори малакали кадрлар этиб тарбиялашга ҳизмат қилаётди.

Қатор спорт турлари бўйича машғулот жараёнлари МХСК тизимида фаолият юритаётган малакали мураббийлар раҳбарлигида ўтказилади. Клуб аъзолари спорт билан шуғулланиш баробарида ўз касб маҳоратини ошириш, мудофаа тизимидаги бошқа соҳаларда фаолият юритиш имконига ҳам эга.

Клубнинг мамлакатимиз спорт федерациялари билан ҳамкорлигиде иш олиб бораётгани ҳарбий спортчиларга ўқув-машғулот йиғинларини юқори савияда ташкил этиш, халқро мусобақаларда катнашиш имконини бермоқда. МХСКнинг 200 нафардан зиёд спортчиси бугунги кунда қатор спорт турлари бўйича миллий терма жамоаларимиз таркибига китба ва жаҳон чемпионатлари, Олимпия ва Осиё ўйинлари каби нуфузли мусобақаларда юксак натижаларга эришаётди.

Ҳарбий спортчиларимиз спорт оламининг энг нуфузли мусобақаси — Олимпия ўйинларида ҳам мунтазам иштирок этиб келмоқда. Олимпияда бахсларида катнашган ҳарбий спортчиларимиз — дзюдочи Ришод Собиров, боксчилар Карим Тўлаонов, Рустам Саидов, Баҳодир Султонов, Аббос Атоев, трамплин устаси Екатерина Хилько қатор совринли ўринларни қўлга киритди.

— Президентимиз раҳнамолигида хар томонлама соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга қаратилаётган доимий эътибор спортчиларимизнинг жаҳон спорт майдонларида эришаётган юксак натижаларида муҳим омил бўлаётди, — дейди МХСК бошлиғи ўринбосари, подполковник Уйғун Сиддиқов. — Ҳарбий спортчиларимиз 2013 йилги спорт мавсумида жами 961 медал жамғарди. Шундан 77 олтин, 67 кумуш ва 67 бронза медал, халқро микёсдаги мусобақалар — жаҳон ва китба чемпионатлари, нуфузли халқро турнирларда қўлга киритилди.

Оғир атлетикачиларнинг Польша ва Жанубий Кореяда, байдарка ва кануоанда эшак эшишчиларнинг Германия, Чехия ва Самарқандда, дзюдочиларнинг Франция, Хитой ва Тошкентда, эркин курашчиларнинг Таиландда, тазвондочиларнинг Германия ва Россияда, теннисчиларнинг Филиппинда, универсал жанг ва кўл жанги усталарининг Россия ва АҚШда, трамплинчиларнинг Испанияда ўтган жаҳон ва китба чемпионатлари, нуфузли халқро мусобақаларда эришган натижалари Ўзбекистонда мустақиллик йилларида том маънода соғлом ва хар томонлама етук спортчилар авлоди шаклланишининг амалдаги яна бир ифодасидир.

Спортчиларимизнинг жаҳон майдонларидаги галабалари салмоғи ортиб бораётганида давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси спортчиларини 2016 йил Рио-де-Жанейро шаҳри (Бразилия)да бўлиб ўтадиган XXXI ёзи Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлашга оид қарори муҳим омил бўлмоқда.

Олимпиядага тайёргарлик дастурига мувофиқ юқори салоҳиятли спортчилар ва мураббийларни хар томонлама кўллаб-қувватлаш, олимпиячиларимиз захирасини бойитишга алоҳида эътибор қаратилаётган. Ўқув-машғулот жараёнларини замонавий талаблар даражасида ташкил этиш, жисмоний, ижтимоий-психологик, тиббий-биологик тайёргарликни яхшилаш, болалар, ўсмирлар ва ёшлар ўртасида спортнинг ривожлантириш бўйича кенг қўллаш вази-фалар амалга оширилмоқда.

2014 йилги спорт мавсуми ҳарбий спортчиларимиз учун янада масъулиятлидир. Чунки жорий йилнинг кузида Жанубий Кореянинг Инчон шаҳрида навбатдаги ёзи Осиё ўйинлари ўтказилади. Китба микёсда энг нуфузли ҳисобланган ушбу мусобақа спортчиларимиз учун XXXI ёзи Олимпия ўйинлари олдиндан дастлабки ҳидий синов вази-фасини ўтади. «Кичик олимпияда» деб ном олган Осиё ўйинлари китбамиз мамлакатлари атлетларининг бўлажак Олимпия ўйинларига қай даражада тайёргарлик кўраётганини намоён этадиган йирик спорт анжуманидир.

Шу боис мамлакатимизнинг барча иктидорли спортчилари қаторида Марказий ҳарбий спорт клуби аъзолари ҳам Осиё ўйинлари, китба ва жаҳон микёсдаги бошқа нуфузли мусобақаларга ҳозирдан лухта тайёргарлик кўрмоқда. Асосий мақсад — 2016 йилги Олимпия ўйинларида муваффақиятли катнашиб, Ўзбекистон ёшларининг ҳеч қимдан кам эмаслигини яна бир бор намоён этишдир.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, Байрам АЙТМУРОДОВ



Отабек Мирсоатов (ўша) олган суратлар

ҚИШКИ ТАЪТИЛ — ЙИЛГА ТАТИР

Халқ таълими вазирлиги томонидан хар йили ўқувчиларнинг билим олишга бўлган қизиқишларини янада ошириш, уларнинг қобилият ва иктидорларини аниқлаш мақсадида мактабларнинг 5.6-7-8-синф ўқувчилари ўртасида 16 фан бўйича «Билимлар беллашуви» ўтказиб келинмоқда. Маълумот ўрнида айтиш керакки, 2011-2012 ўқув йилида билимлар беллашувининг мактаб босқичида жами 1 миллион 294 минг 250 нафар, 2013-2014 ўқув йилида эса 2 миллион 152 минг 653 нафар ўқувчилар иштирок этди. 2014 йил ўқувчиларнинг қишки таътил даврида, яъни 2-10 январь кунлари «Билимлар беллашуви»нинг иккинчи (туман, шаҳар) босқичида 16 фандан 320 минг 652 нафар ўқувчи иштирок этмоқда.

Билимлар беллашувининг очилиш тадбирлари юқори байрамона кайфиятда ташкил этилиб, унда энг-юрт хизматдаги фидийи инсонлар, юқори нуфузга эга мутахассислар, маҳалла фаоллари, ота-оналар ҳамда маҳаллий ҳокимият вакиллари иштирок этиди. Мазкур беллашувининг қишки таътил кунларида ўтказилиши ўқувчиларнинг дам олиш кунларини янада мазмунли, қизиқarli ҳамда фойдали ўтишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда халқ таълими тизимида 483 болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ҳамда 28 футбол бўйича давлат иктисослаштирилган мактаб-интернатлари фаолият кўрсатмоқда. Спорт иншоотларидан унумли ва самарали фойдаланиш, биринчи навбатда, болалар ва ўқувчи-ёшларни жисмоний тарбия ҳамда оммавий спортга кенг жалб қилиш мақсадида умумтаълим мактабларида 1 миллион 637 минг 943 нафар ўқувчини билиштирган 65 минг 432 спорт тўғараги, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида

Шу кунларда ўқувчиларнинг қишки таътил кунларини мазмунли ўтказишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан жойларда кўрғазма ярмаркалари ташкил этилди, шеърят кунлари ўтказилиб, ўқувчиларни кутубхоналарга жалб этиш, «Билимлар беллашуви»нинг ҳудудий босқичларини уюштириш, «Қишки таътил китобхони» танловини, шунингдек, турли спорт мусобақаларини ташкил этиш йўлга қўйилди.

2899 та спорт секцияси фаолият кўрсатмоқда. Оммавийликни янада ошириш мақсадида «Умид нихоллари», «Алломиш ва Барчиной», «Кувноқ стартлар» каби босқичма-босқич ўтказилган спорт мусобақалари, шунингдек, республика ва халқро микёсда ташкил этиладиган бошқа спорт мусобақалари мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Ўқувчиларнинг қишки дам олиш кунларини мазмунли ва фойдали ташкил этиш мақсадида «Умид нихоллари» спорт мусобақаларининг туман босқичлари айнан таътил кунларида ўтказилмоқда. 2013 йилнинг 28 декабридан 2014 йилнинг 7 январига қадар 5-7-8-9-синф ўқувчилари ўртасида спортнинг 9 тури бўйича мусобақаларнинг туман босқичи уюштирилди. Тасдиқланган жадвалга асосан жорий йилнинг 8-10 январь кунлари ушбу синф ўқувчилари ўртасида мусобақаларнинг финал босқичи ўтказилди.

Шунингдек, 2013 йилнинг 28-30 декабрь ва 2014 йилнинг 2 январь кунлари бадий гимнастика, спорт гимнастикаси, енгил атлетика ва эркин кураш турларидан ўтказилган мусобақаларда 140 минг 501 нафар ўқувчи иштирок этди.

Қишки таътил кунларида барча вилоят, шаҳар ва туман «Баркамол авлод» болалар марказлари ўқувчилар билан

гавжум. Улар ушбу марказларда фақат фан тўғарақларига қатнашиб қолмасдан, балки ўқувчилар учун ташкил этилган янги йил байрам тадбирларида ҳам иштирок этмоқда.

Хусусан, «Баркамол авлод» болалар марказлари томонидан жорий йилнинг 2 январь кунидан бошлаб хар куни жадвал асосида ўқувчилар учун янги йил байрами тадбирлари ўтказиб келинмоқда. Жумладан, яқинда Тошкент шаҳар «Баркамол авлод» болалар маркази томонидан «Янги йил шукуҳи» мавзусида байрам дастури бўлиб ўтди. Унда болалар қорбобо, қорқиз ва турли эртак қаҳрамонлари иштирокида театрлаштирилган байрам тадбирини томоша қилиб, мазкур томошаларда бевосита иштирок ҳам этдилар.

Шунингдек, мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам «Баркамол авлод» болалар марказлари томонидан «Марокли қишки таътилим», «Обод ва озод Ватан барчамизники», «Янги йил қувончлари», «Янги йил дўстлар даврасида» каби байрам тадбирлари ҳамда чет тили ўргатилаётган тўғарақ аъзолари ўртасида «My interesting holiday» мавзусида чет тилларни ўрганишга оид ўйинлар ўтказилмоқда.

Ғанишер ТОҲИРОВ, «Туркистон-пресс»

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ободонлаштириш бош бошқармаси тизимида янгидан ташкил этилган «Каналларни сақлаш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлашга иктисослаштирилган бошқарма» куйидаги штатларга мутахассисларни

ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ:

- Режа-иктисодий бўлими бошлиғи; Иқтисодчи; Ҳисобчи; Ичи ирригатор; Ободонлаштириш ишчиси; Канал назоратчиси;

- Трейлер ҳайдовчилари; Сачман ҳайдовчилари; Автобус (ISUZU) ҳайдовчилари; Автокўтарма (автовишка), автокран, занжирли ва гилдирақли бульдозер машинистлари.

Ишга танлов асосида қабул қилинади. Маошлар штат жадвали асосида белгиланади. Мурожаат учун манзил: Мирзо Улуғбек тумани, Темурмалик кўчаси, 3 «А» (собик 3-сон Травмай-троллейбус депоси биноси) уй. Телефонлар: +99890 994-71-72, +99890 998-15-52.

Ўзгидромет ХАБАР ҚИЛАДИ. Тошкент шаҳрида 11 январь куни ҳаво ўзгариб туради, ёнғинчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман текуши мумкин. Шарқдан келишига 3-8 метр тезликда шомол эсади. Ҳарорат кечаси — 4-6 даража совуқ, кундузи — 4-6 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 11-13 ва эрталаб 14 январда Тошкент шаҳри об-ҳаво шартини шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз сақланиб қолишига имконият яратеди. Атмосферанинг ифлосланиши даражаси 1-3 фоз кўпайиши тахмин қилинмоқда, таъмиқдори наст бўлади.

2014 йил — соғлом бола йили



Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур



Январь						
Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
			1	2	3	4
5	6	7	8	9	10	11
12	13	14	15	16	17	18
19	20	21	22	23	24	25
26	27	28	29	30	31	

Февраль						
Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
					1	2
3	4	5	6	7	8	9
10	11	12	13	14	15	16
17	18	19	20	21	22	23
24	25	26	27	28		

Март						
Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
					1	2
3	4	5	6	7	8	9
10	11	12	13	14	15	16
17	18	19	20	21	22	23
24	25	26	27	28	29	30
31						

Апрель						
Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
			1	2	3	4
5	6	7	8	9	10	11
12	13	14	15	16	17	18
19	20	21	22	23	24	25
26	27	28	29	30		

Май						
Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
				1	2	3
4	5	6	7	8	9	10
11	12	13	14	15	16	17
18	19	20	21	22	23	24
25	26	27	28	29	30	31

Июнь						
Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
						1
2	3	4	5	6	7	8
9	10	11	12	13	14	15
16	17	18	19	20	21	22
23	24	25	26	27	28	29
30						

Июль						
Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
			1	2	3	4
5	6	7	8	9	10	11
12	13	14	15	16	17	18
19	20	21	22	23	24	25
26	27	28	29	30	31	

Август						
Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
				1	2	3
4	5	6	7	8	9	10
11	12	13	14	15	16	17
18	19	20	21	22	23	24
25	26	27	28	29	30	31

Сентябрь						
Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
						1
2	3	4	5	6	7	8
9	10	11	12	13	14	15
16	17	18	19	20	21	22
23	24	25	26	27	28	29
30						

Октябрь						
Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
					1	2
3	4	5	6	7	8	9
10	11	12	13	14	15	16
17	18	19	20	21	22	23
24	25	26	27	28	29	30
31						

Ноябрь						
Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
						1
2	3	4	5	6	7	8
9	10	11	12	13	14	15
16	17	18	19	20	21	22
23	24	25	26	27	28	29
30						

Декабрь						
Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
						1
2	3	4	5	6	7	8
9	10	11	12	13	14	15
16	17	18	19	20	21	22
23	24	25	26	27	28	29
30	31					

ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ АСОСИЙ ХИЗМАТЛАРИ

- Ёнғин хавфсизлиги хизмати — 101
- Милиция — 102
- Тез ёрдам — 103
- «Тошгаз» авария хизмати — 104
- Қутқарув хизмати — 1050
- Темир йўл бошқармасининг маълумотномаси — 1005
- «Тошшаҳарйўловчитранс» такси бюртмаси — 1062
- «Сувсоз» ДУК — 1054
- Дорихоналар бўйича марказий маълумотнома — 1069
- Шаҳарлараро сўзлашувлар учун бюртмалар — 200-01-54, 233-69-95
- Ташкилотларнинг телефонлари маълумотномаси — 109
- Об-ҳаво — 1001
- Хонадонларнинг маълумотномаси — 1009
- Шаҳар телефон тармоғи иши бўйича кечаю кундуз маълумотномаси — 1064
- Фуқаролик хизмати бошқармаси — 235-81-75
- «Тошкент» автовокзали — 279-39-15

ТЕЛЕФОН ТАРМОҚЛАРИНИ ТАЪМИРЛАШ ХИЗМАТИ

- Марказий алоқа тармоғи — 1086, 235-04-25, 235-09-10
- Олмазор алоқа тармоғи — 229-04-25, 229-09-10
- Миробод алоқа тармоғи — 255-04-25, 255-09-10
- Мирзо Улуғбек алоқа тармоғи — 262-04-25, 262-09-10
- Чилонзор алоқа тармоғи — 277-04-25, 277-09-10
- Янгиобод алоқа тармоғи — 297-04-25, 297-09-10

ҚЎНФИРОҚ ҚИЛИНГ, СЎРАНГ, БИЛИБ ОЛИНГ

МАРКАЗИЙ АВАРИЯ-ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

- Ичимлик суви тармоқлари — 252-60-08, 252-55-78
- Шаҳар оқва сув тармоқлари — 235-40-11, 235-62-20
- Шаҳар электр тармоқлари — 233-77-53, 233-78-46
- Иссиқлик тармоқлари — 255-09-26, 227-08-35

«ТОШГАЗ» БОШҚАРМАСИ ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

- Марказий авария-диспетчерлик хизмати — 255-44-27
- Учтепа — 274-44-34
- Бектемир — 295-14-43, 295-16-90
- Миробод — 254-15-61
- Мирзо Улуғбек — 267-46-24
- Олмазор — 248-35-48, 144-89-08, 144-89-09
- Сергели — 258-84-33
- Ҳамза — 296-39-61
- Чилонзор — 278-19-23
- Шайхонтоҳур — 242-39-26
- Юнусобод — 212-25-52
- Яққасарой — 255-49-59

ТОШКЕНТ ШАҲАР ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

- «Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси» ОАЖ — 233-75-79
- Бектемир туман электр тармоғи — 295-10-62
- Миробод туман электр тармоғи — 291-15-92
- Мирзо Улуғбек туман электр тармоғи — 267-58-15, 267-58-24

- Сергели туман электр тармоғи — 258-38-60, 258-68-81
- Олмазор туман электр тармоғи — 242-46-95
- Учтепа туман электр тармоғи — 274-14-81, 274-20-16
- Шайхонтоҳур туман электр тармоғи — 278-87-11
- Ҳамза туман электр тармоғи — 291-87-83
- Чилонзор туман электр тармоғи — 277-19-72, 277-24-52
- Юнусобод туман электр тармоғи — 225-00-65
- Яққасарой туман электр тармоғи — 250-19-67, 250-99-81

ТУМАН ҲОКИМЛИКЛАРИ ҚАБУЛХОНАЛАРИ

- Учтепа — 274-19-23
- Бектемир — 295-02-40
- Миробод — 233-29-86
- Мирзо Улуғбек — 268-94-04
- Олмазор — 227-17-93
- Сергели — 257-91-11
- Ҳамза — 283-33-32
- Чилонзор — 276-94-24
- Шайхонтоҳур — 241-26-66
- Юнусобод — 237-61-41
- Яққасарой — 255-74-49

ИЧКИ ИШЛАР БЎЛИМЛАРИ

- Учтепа — 272-80-79
- Бектемир — 295-02-39
- Миробод — 293-18-95
- Мирзо Улуғбек — 267-33-50 (62)
- Олмазор — 246-09-90
- Сергели — 258-02-42
- Ҳамза — 296-06-30
- Чилонзор — 278-58-40

- Шайхонтоҳур — 288-31-90
- Юнусобод — 235-00-02
- Яққасарой — 255-94-96
- Шаҳар ИИББ ишонч телефони — 232-03-30

ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ ХИЗМАТИ

- «103» бўйича навбатчилар — 236-73-32
- Олмазор 2-болалар ва катталар — 248-46-77
- Шайхонтоҳур 1-катталар ва болалар — 243-26-68, 243-07-34
- Учтепа 4-катталар ва болалар — 275-46-99
- Мирзо Улуғбек 5-катталар ва болалар — 266-44-27
- Юнусобод 6-болалар ва катталар — 212-45-11
- Ҳамза 3-катталар ва болалар — 297-77-79, 297-64-24
- Яққасарой 10-катталар — 255-85-54
- Сергели 8-болалар ва катталар — 258-36-85, 258-70-76
- Чилонзор 9-катталар — 277-38-03 (04)
- Миробод 7-катталар — 290-70-03 (01)

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТАСАРРУФИДАГИ БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИ

- Тошкент шаҳар бошқармаси — 250-79-96
- Учтепа — 272-21-66
- Бектемир — 295-47-44
- Миробод — 256-54-96
- Мирзо Улуғбек — 269-14-60
- Олмазор — 246-90-17
- Сергели — 258-39-35
- Ҳамза — 297-58-17
- Чилонзор — 277-87-10
- Шайхонтоҳур — 227-50-59
- Юнусобод — 235-52-04
- Яққасарой — 250-85-31, 250-85-36

МЕҲМОНХОНАЛАР

- «Интерконтиненталь-Ташкент» — 120-70-00
- «City palace» — 238-30-00
- «Ўзбекистон» — 113-11-11

Тошкент Оқшоми

Манзилими: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълолар: 233-28-95,
факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки
«Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
12877 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Тошпириқ вақти: 13.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонаси, Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Босишга топширилди: 14.10